



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

РўЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАНЧИКА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНING БОШ НАШРИ

№ 91 (10.087)

1991 йил 15 май • чоршанба

Баҳоси 8 тийин.

Совет Социалистик Республикалари

Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЧАКАНА НАРХЛАР ОШГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АХОЛИ КЎРГАН ЗАРАНИНГ УРНИНИ ҚОПЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мақтаб кийими ва болаларнинг бошқа кийим-кечари чакана нархлари бир йўла ошганлиги муносабати билан болали оидалари ва ўқувчи ёшларни иктимой ҳимоялашнинг қўшимча қарорларини вужудга келтириш мақсадида ҳамда мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва тангликни баргараф этишга оид энг зарур тадбирлар тўғрисидаги қўшма баённота асослаиб қарор қиламан:

1. СССР Президентининг «Чакана нархларни ислох қилиш ва аҳолини иктимой ҳимоялаш тўғрисида»ги 1991 йил 19 март фармонида кўзда тутилган шароитларга табиқан ўтказилаётган компенсация тўловлари (СССР халқ депу-

татлари съезди ва СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1991 йил, 13-сон, 367-модда) билан бир қаторда куйидаги миқдорларда мақтаб кийими ёки болалар учун бошқа кийим-кечак йиғмасини сотиб олиш учун ҳар йили куйидаги миқдорларда пул бериш тўғрисида СССР Вазирлар Маҳкамасининг таклифи қабул этилсин;

мақтабга ёшдаги болалар ва 13 ёшгача бўлган мақтаб ўқувчилари учун — 200 сўм; 13 ёшдан ошган мақтаб ўқувчилари учун, шунингдек СССР ҳукуматининг қарорларига биноан кийим-кечак ва озик-овқат билан таъминланмайдиган хунар-техника ўқув юрларининг ўқувчилари учун — 250 сўм.

2. Жумҳуриятларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия ва бошқарув идораларига табиий иқлим шароитларини эътиборга олиб, мақтабга ёшдаги болалар учун, кундузги мақтабларнинг ўқувчилари, шунингдек хунар-техника билим юрларининг ўқувчилари учун кийим-кечаларнинг стандарт йиғмаларини белгилаш тавсия этилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1991 йил 13 май.

Жигаристон: ЯНГИ ҚЎРҒОВ ҚАД КЎТАРМОҚДА



ДЎСТ КУЛФАТДА СИНАЛАДИ

ЖИГАРИСТОНЛИКЛАР бошига кулфат тушганда иттифоқдош республикаларнинг Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамоалари биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзишди. Дастлабки соатлардаёқ табиий офат юз берган жойга мамлакатнинг турли бурчақлардан озик-овқат ва саноят маҳсулотлари жўнатилган бошланди.

Тожикистондан Тошкентга самолётда табиий офатдан жабрланган оидалар учун мўжалланган 22 та позиция — кўрпа-ёстиқлар, ячи иссиқ чет эл этиклари, энг зарур моллар келди.

Литва, Латвия, Эстония, Россия ва Қирғизистон Қизил Крест ҳамда Қизил Ярим Ой жамоалари қариндош-уруғлари ва яқинларидан маҳрум бўлган оидаларга таъзия билдириб, телеграммалар юборди. Улар шу республикалар аҳолиси тўпалаб берган иссиқ кийимларни, қўриқчи материалларни ва дори-дармонларни самолётлар билан табиий офат юз берган жойга жўнатишди.

ЖИГАРИСТОНДА фожиа юз берган қуянинг эртасигаёқ у ерга Ангрн ва Янгичаободдан республика байналмилалчи жангчилар ва заҳирадан жангчилар уюшмасининг аъзолари келишди. Улар ҳудудни тупроқ уюмларидан тозалашга, аҳолини бошқа жойга кўчиришга ёрдам беришга киришдилар. Собиқ жангчилар бутун қолган уйларни эҳтиётлаб бузиб, қўриқчи материалларини янги қўрғов бўйида этилаётган жойга ташишда ёрдам беришмоқда. Уюшма қўрғовдаги жабрланган аҳолига ёрдам бериш мақсус ҳисоб варақасига ўз миғи сўм пул ўтказди.

БУХОРО шаҳри умумий овқатлаштиришнинг жамоаси ватадонлар дардига шерик бўлиб, Жигаристон қўрғовидаги табиий офат жабрдаларига ёрдам жамғармасига ўзининг бир қуллик иш ҳақини ўтказди.

«Халқда кўра кеч» деганларидек, ўз вақтида туланмаган қўшимча ҳақнинг пировардида тулангани, боз устига уэр суралгани яхши, албатта. Аммо, дилбузарлик айбодор бўлмиш «собиқ ходим»нинг исми-шарифи ва унинг қайси сабабларга кўра ишдан бўшатилгани ҳақда қўриқчилар бизни ажаблантирди.

ОҚҚРҒОН районидан «Ленин» колхозининг Мамат Рисбоев бошлиқ 5 бригадаси аъзолари 1991 йилни яхши бошлашди. 100 гектар майдонга чигит экилди. Барча майдондаги уруғлар бир текис ундириб олинди. Бегона ўтлардан тозаланган майдонларга сифатли ишлов берилди. Бригаданинг ў. Вайров, И. Муллаумаров ва Б. Исмоилов сингари миришкор суғичлари ишчи икки сменада ташкил этилиб, гўза ниҳолларига оби-ҳаёт тарашибди. Натижада ниҳоллар кун сайин гуркирамоқда.

Хўжаликда биринчи Тўхтамурад ЗОКИРОВ.

Ем-хашак жамғариш қандай бормоқда?

МОЛИ ТЎҚНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

ЧИНОЗДАГИ «Чиноз» насличкин совхоз техникумининг 3-бўлими меҳнатқашлари зотли чорва молларини парвартишда ва қўйида парвартишда самарали натижаларни қўлга киритишди. Бу ерда молларнинг семиршиш кўнгига 500 грамм ўрнига 650 граммга тўғри келяпти.

Бўлимнинг экин майдонларини кўздан кечирар эканмиз, беихтиёр халқимизнинг «Молни тўқнинг кўнгли тўқ» деган мақолини эсимизга тушди. Ҳақиқатан ҳам кўнглини тўқ қилишга асос бор: бир текис узиб чиққан лавлага, бедадан биринчи суви пчмоқда, бедадан биринчи ўрми ниҳосига етай деляпти.

А. НАВИХЎЖАЕВ.

ОҲАНГАРОН РАЙОНИДА

ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛЯПТИ

«АНГРЕН» шўро хўжалиги касаба уюшмасининг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. Улар Облиқ қишлоқ шўроси билан келишиб ночор, кам даромадли оидаларга яқиндан ёрдам беришди. Меҳнат ногирони Н. Эшонқулов ва Я. Қурдошалиевлар 100 сўмдан пул, кундалик эҳтиёллари учун озик-овқат масаллиқлари олиб туришибди. Район хайрия жамғармасига уюшма 5 миғи сўм пул ўтказди.

Шунингдек 10 дан зиёд оилага 15 сотихдан 25 сотихгача бўлган ер участкалари ажратиб берилди. Энди уларга уйларини тиклаб олишлари учун қўриқчи материаллари етказиб бериш ҳам мўжлалланмоқда.

АНЧА ЭРТА КИРИШДИЛАР

ОҲАНГАРОН районидан хўжаликлар чорва учун ем-хашак жамғариш ишларини бошлаб юбордилар. Яқинда райондан Қуйишев, «ВЛКСМ 50 йиллиги» ва «Бирлик» ижара жамоаларида бедалардан сенаж тайёрлашга киришди.

Бу йил райондаги барча хўжаликларда 117346 бош қўй ва эчки, 26010 бошдан зиёд мол, 1447 бош от, 91424 бош қўча ва 57877 бош парранда парвартиш этилаётди.

Шунча молга ем-хашак етказиб бериш жуда қатта куч талаб қилади, — дейди район агросаноат бирлашмаси бошқарувининг раиси Т. Тўраев. — Шунинг учун ҳам биз озуқа жамғаришга анча эрта киришдик. Бедадан биринчи ўрмида фақат сенаж бостирилади, қолган озуқалар ҳам пешма-пеш тулаб борилади.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Шаҳарларимизнинг янада гўзалроқ, янада кўркемроқ бўлиши учун ҳисса қўриш барчамизнинг бурчимиздир. Яқинда «Част-ас» ашуда ва рақс Дастаси аъзолари барчага ўрнак бўлувчи хайрли ишга қўл уришди.

Дарҳақиқат райондаги барча совхозларда ем-хашак жамғариш бўйича комплекс бригадалар ташкил этилади. Район бўйича юздан ортиқ ўриш агрегатлари, 56 та тиркачли тракторлар, ингирма бешта комбайн ҳамда анчанча ёрдамчи ўриш агрегатлари ўз вақтида сифатли таъмирдан чиқарилиб, уларнинг қўлчилиги ҳозир хашак жамғаришда ишлатилмоқда.

У. ЖЎРАЕВ.

ЖИГАРИСТОНДА

юз берган табиий офатдан сўнг унинг аҳолисига турар-жой учун 90 гектар ер ажратилди. Алий кунларда бу ерда жадаллик билан қурилиш ишлари олиб борилаётди. 1992 йилгача бу ерда бўйида этилаётган янги уйларга 600 та оилами кўчириш мўжлалланган. Табиий офатдан жиддий зарар кўрган 50 хондодонга иморатларни бепул қўриб бериш назарда тутилган. Қўриладиган бу уйларнинг пойқахалари тайёр. Шу йилнинг октябр ойига қадар ана шу 50 та турар-жойни қўриб битказиш режалаштирилган. Ҳозирги пайтда йўллар ўтказилиб, электр симларини тортиш ишлари ба-жарилмоқда.

СУРАТЛАРДА: олиб борилган қурилиш ишларидан лавҳалар.

В. ТЎРАЕВ суратга олган.



СУРАТЛАРДА: олиб борилган қурилиш ишларидан лавҳалар.

В. ТЎРАЕВ суратга олган.

БИЗ СИЗ БИЛАН!

Андижон вилояти аҳолиси Ангрн яқинидаги Жигаристон манзилгоҳида юз берган табиий офат тўғрисидаги қайтуғли хабарни чуқур дард-алам билан кутиб олди.

Бадий буюмлар фабрикаси, ип газлама, пойабзал, трикотаж бирлашмалари, 2511-автомобилжамна ва ви-

лоят марказидаги бошқа жамоалар меҳнатқашлари шошилич равишда жабрдидаларга ёрдам учун маблағ тўплай бошладилар. Жабрдидаларга дори-дармон, бир марта ишлатилмаган шприцлар, қўрпалар, кийим-кечак, пойабзал, ун, гуруч, макарон ва бошқа бир қан-

ча озик-овқат маҳсулотлари жўнатилди. Андижон шаҳар партия комитетининг ҳамда меҳнатурувват ва саломатлик фонди вилоят бўлимининг ташаббуси билан Тошкент вилоятида табиий офатдан зарар кўрганларга моддий ёрдам кўрсатиш штаби ту-

зилди. Андижон уй-жой-иктимой банкда маҳсус ҳисоб варақаси очилди. Унинг рақами — 000704101. Андижон вилоят меҳнат жамоалари ва Андижон вилояти аҳолиси ўзининг дилдан чиқариб бермоқчи бўлган хайр-эҳсонларини шу ҳисоб варақасига ўтказиб беришди.

К. НИЗОМОВ,

ЎзТАГ мухбири.

(ЎзТАГ мухбири).

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Ангрн» совхозининг механизаторлари Раҳматилла Ибрагимов, Йўлдош Ҳотамов, Иброҳим Ҳакимов ва бошқалар ҳар кунни юқори унум билан ишлаб, 6—8 гектар ердаги кўк озуқани ўришяпти. Тайёр пичанларни белгилашга жойларга таниб келтиришда тиркачли тракторларнинг Карим Дошёрнов, Маҳмуд Темиров, Шавақт Рўзиевнинг сингари ҳайдовчилари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Урта Чирчиқ районининг «Ленин йўли» жамоа хўжалигида Янгиобод кўчаси, 13-уйда истиқомат қилувчи, боладидан II гуруҳ ногирони Х. Топшўлатов метрополистен ходимаси унга нисбатан кўпюл муомалада бўлгани ҳақида қулониб ёзган. Махкур ишқоят юзасидан В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополистен бошлигининг ўрйибосари М. И. Исроиловдан олинган жавобда жумладан шундай дейилади: «Ҳақда кўрсатилган нуқсонлар зиндан ҳам ходимамиз Р. Жўраевга томондан содир этилганлиги аниқланди. Бекат ишчилари бир

СОБИҚ ХОДИМ АЙБИ БИЛАН

Пойтахтдаги Форобий қўча, Дугорчи проезд, 32-уйда яшовчи Б. Расулов ўнга берилмаган пенсия бора-сидаги чалкашиқлар хусусида ёзади. Собиқ Раҳимов район ижроия комитетининг социял таъминот бўлими мудири Д. Назировга ўз расмий жавобида бу воқеани қуйидагича шарҳлайди: «1990 йил 15 майда қабул қилинган «СССР фуқароларини пенсия билан таъминлаш ҳақидаги қонунига мувофиқ ўртоқ Расулов Бурҳон пенсияси миқдори 1991 йил 1 январдан бошлаб, пенсияда бўлган вақти инобатга олинган ҳолда, 70 сўмдан 85 сўмга оширилган. 1991 йил 1 апрелдан буйи 65 сўм миқдорда компенсация туламоқда. Пенсияга қўшимча ўз вақтида туланмаганлиги Тошкент шаҳар маркази ходими айби билан юз берган, ҳозирги пайтда

САРАЛАБ ОЛДИЛАР

бўлиб ягоналаш ишларини беш иш кунда яқунладик. — дейди Мамат Рисбоев. — Бу ишларни амалга оширишда Қ. Сафарова, Ф. Мусоева, Р. Нишонов каби аъзоларимизнинг хизматлари ибратли бўлди.

Хўжаликда биринчи Тўхтамурад ЗОКИРОВ.



# Адиб ҳақида ва соғина

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси МИРМУХСИН-70 ёшда

## АДИБ ҲАҚИДА СЎЗ

УЛКАН адиб Мирмуҳсин ҳақида сўз кетганда, кўпчилик ўзбек китобхонлари кўзи олдига ўта захматқаш ижодкор, меҳнат қилиб чарчамайдиган азамат инсон гавдаланади. Зеро, сўнгги етмиш йиллик ўзбек совет адабиётини Мирмуҳсиннинг хизматларисиз сира ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.



Ижодининг аввалги бошқичини шеърятдан бошлаган адиб ўз вақтида оғизга тушган, адабиётшуносларнинг назаридан ўтган ўнлаб шеърлардан ташқари замонавий мавзуларда «Уста Ғиёс», «Йил қишлоқ», «Дунан», «Невара» сингари дostonлар ҳам эди. Иجتимоий ҳаёт учун ҳазиржавоблик билан яратилган бу элик асарлардан айниқса, «Уста Ғиёс» билан «Йил қишлоқ»ни алоҳида таъкидлаш лозим.

ришади. Яна бошқа хил ёзувчи-шоирлар борки, улар бирор қорхонда ишлаган ҳолда ижод қилишади. Мирмуҳсин ака ана шу — иккинчи тоғфага мансуб ижодкорлардан саналади. Ва тан бериб айтиш керакики, Мирмуҳсин ака ишда ҳам, ижодда ҳам ҳеч қандам қўлишмайди, иккала вазифани ҳам қўйилмақом қилиб адо этади. Тақдир тақозосига кўра, мен Мирмуҳсин ака билан таҳририятларда кўп йиллар бирга ишлаганларнинг бириман. Бу киши билан «Муштум» ва «Шарқ юлдузи» ойнамалярида бирга ишладик, ролпа-роса ўн йил бўлдик. «Гулстон» ойнамасида ҳам бирга ишладик.

Мирмуҳсин ака — муҳаррир сифатида талабчан раҳбар. Ҳа, Ҳа, меҳнатқаш, бошқа ходимларнинг ҳам меҳнатқашлигини, тартибличилигини, бўйсуншини талаб қилади. Айрим муҳаррирлар сингари беғамликка берилмайдди. Ўз вазифасини бошқа ходимларга ишониб топшириб қўймайдди. Ҳаммаша ҳамма ишдан, барча ходимларнинг ишидан, юриш-туришдан бохабар бўлиб юришни яхши кўради. Ҳа, Ҳа, келганда ходимларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга ҳам икмон топади.

Мана, бугун улкан адабимиз Мирмуҳсин 70 ёшга кирган кўтүгү бир кунда ижодий дара кўтариб ўтиришми. Ўтмиш ёш чинакам сўз санъаткорлари учун кўтүгү ва етуқ ёш ҳисобланади. Зеро, инсон неқайси сари унинг дошимандлиги-заковати ҳам ошиб бораверади. Адибимизнинг таваллуди кўнларидан, яъни дошимандликлари ошган, куюклаганга кўн паллада бу кишини таъриқлаб, бу кишига янада узоқ умр тиланган ташқари ҳали кўндан-кўн мазмундор асарлар ҳам кутамиз.

Оқилжон ҲУСАН.

## 1991 — АЛИШЕР НAWOИИЙ ИЛЛИ МАҲАЛЛАДА ШOИР МАЪРАКАСИ

ПОЯТХТИМИЗНИНГ Ленин ноҳиясидаги 3-Файзобод маҳалласи чойхонасида навоийхолик кечаси бўлиб ўтди. Уни 116-мактаб директори ўринбосари Тўхтаўлат Солиқов очди. Ингилганларга у Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича сўзлаб берди.

Шундан сўнг маҳалла фаолларидан Ҳ. Солиқов, М. Исоқбеков, Ж. Қўшматов ҳамда Ф. Абдуллаевлар ҳам бобокан шoirимизнинг серкириши ижоди ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўрдоқлашдилар.

Навоий асарлари жуда ҳам раванг, ўзгача саринг ўқиниб келади. — дейди жумҳурий мидеянати давлат нафақасини олувчи Турсунбой Ортиққўшев.

А. ТОЛИПОВ, меҳнат фахрийси, Ҳ. СУЛАЙМОНОВ, ТошДД толиби.

## ОҚГУЛ МОМО ВА УНИНГ ИЗДОШЛАРИ

УЛАНЛАР — одамларнинг тақдирини, қувонч-ташвишлари, фожиясини ўзида асрлардан бери жамулжам қилиб келган. Уларнинг қиёматига, кимлар жон деб қулоқ тутмайди дейсиз?

Авалги йили «Тошкент ҳақиқати»да «Момоларим қўнларига» сараловали мақолам босилиб чиққанidan сўнг муштариблардан анъана хатлар олдим. Ҳусусан, Овжасойдаги Қўрғонча қишлоғида яшовчи муаллим Мирабдулла унга келиб, икмон топилганда уларнинг қишлоғига боришни, у ерданги пириқчи одамна оханон Оқгул момо Ҳайдаровнинг ўнларини ҳам эшитиб кўришимни таклиф қилди. Афсуски ўшанда вақт зўқ эди.

Нихоят, тоғ бағирларига Оқгул момо: Ингитимсан, қизимсан, келабергин, Улан билсанг билмасанг, айтабергин. Билмаганин билсанг ўрготганин, Чертиб-чертиб Улан айт, уялмагин.

Энди Ингит-қизларга жон кирди. Улар бир-бирлари чарата Улан айтдиши: ЗЕВАРГУЛ: Қандирсойдан қакликлар ўта берди, Чарчагани югуриб кетаберди. Севаман, деб айтганин бекор экан, Мол қулақ эргабил кетабердинг.

АБДУМАННОБ: Оғиз очсанг, оғзингда қумақайинг, Қўш қўнқайиб қулбсан икковларинг. Икковиниг худойин менга берса, Учоқ бошга жун советиб қўяр эдим.

СОҶИДА: Довонга қўй ҳайладим Ингирма бош, Довон йўли берманди аравақаш, Довон йўли берманди аравақаш, Икковни қилардим бир носвойқаш.

РИХСИНСО: Овжасойнинг ёқалаб моя кетди, Ул молнинг оғзи тоя кетди. Жилпонгайсан, айтагин ёқадимми? Кар экансан, ўланинг зоя кетди.

МАҲСУДАЛИ: Яқнабоғдан чиққанга тўртос эдик, Қўрғончада каттақан тўй бор дея, Икков-икков эшитиб борган эдик.

Ярим тунгача Улан айтилди. Ҳайрон бўлган, тоғ ёшлари қаердан олади шунча гапни? — Электр йўқ, телевизор кўрмаймиз, радиога бағир тарая йўқ, ўзимизни Улан билан овутамиз. — дейди Мирабдулла. Тоғдан қайтаётиб Овжасойнинг нариги томонда ҳам гулкан кўрдим. — Ана, Янги маҳалланинг ёшлари ҳам давра кўриштипти, — деди Мирабдулла.

Бошқа лаби текканда Қўрғончага бордим. Оқгул момо билан анча мулоқот қилдик. Ора-сера Мирабдулла ҳам суҳбатга аралашиб турди. Оқгул момо Улан айтди. Соҳр ва таъсир кучига бой бўлган ўнларча одамларнинг қиёфаларидан таъриф тоғ кишиларнинг жасоратларига ҳам ҳасослик билан кўйлариди.

Оқгул момо — ўзбек халқ қўшиқлари, Уланлари, ёрларлари, эртақларнинг аёқларига тўлган, кўм-кўк майсалар устига Ингит-қизлар тизилган. Онинг ёғду-сиди ёшлар Улан айтишга билинган шундай бўлган. Пастда Овжасой ҳайриб оқди. Уланни давра боши Оқгул момо бошлаб берадилар.

ЗАРКОКИЛ: Тоғдан тушиб келади тарғил мушуқ, Сен Улан айтмайман, оғзин қийишқ. Оғзин қийишқ бўлса ҳам майли эди, Қаватингда шеринг — елим қошиқ.

АБДУРАҲМОН: Оёғимга кийганим зарбоф этки, Овулинига бораман бир энткиб, Овулинига борганда бир энткиб Аразлаб Ингламагин ерга эткиб.

АДАШХОН: Мол қайриб ер экан толиғин бошини, Мўлжал қилиб қўйганман жаринг бошини.

Жар бошига ойдинда кедмансанг, Рўмол билан артаман кўзим ёшини.

АБДУЛЛА: Қўз ёшини тўкмагин, ёв қулади, Сен Ингласанг бellarим букилади, Қулиб қуя, чечамин, гап босмасин, Сен кулганда лолалар очилади.

АДОЛАТ: Олма боққа кирмайман, пастқам экан. Олмасидан смайман, нордон экан. Совети кепти уяимга бўз Ингитдан, Бойваччага тегмайман, лодон экан.

ЭСИРГАП: Тоғ олмас — бир тараф, сен — бир тараф, Бойваччалар — бир тараф, мен — бир тараф.

Юзи қизил олмайди порлаган қиз, Кўзларин қамашди сенга қараб...

Ярим тунгача Улан айтилди. Ҳайрон бўлган, тоғ ёшлари қаердан олади шунча гапни? — Электр йўқ, телевизор кўрмаймиз, радиога бағир тарая йўқ, ўзимизни Улан билан овутамиз. — дейди Мирабдулла. Тоғдан қайтаётиб Овжасойнинг нариги томонда ҳам гулкан кўрдим. — Ана, Янги маҳалланинг ёшлари ҳам давра кўриштипти, — деди Мирабдулла.

Мўмин ҚАЮМОВ.



БИР пайлар таназзулли билмайди дейишган иجتимоий тузумдан пүтүр кетиб, ҳамма ёнда таҷиқчаллик ҳукми сураётган, нарх-навоининг бугун оғирлиғи халқ елкасига тўшиб турган ҳозирги шароитда қоғоз ҳам камёб бўлиб кетди. Бу эса китоб чикараман деб эгуғу ният қилган ёш ижодкорларга ҳам катта қийинчиликлар туғдиришмоқда. Айниқса, вилоятларда истиқомат қиладиган қаламкашларга мушкул бўлмоқда. Шунга қарамай «Меҳнат» нашриёти Бекобод районида яшаб, ижод қиладиган шоир Ашурнали Боймуродовнинг «Табиат

роитда қоғоз ҳам камёб бўлиб кетди. Бу эса китоб чикараман деб эгуғу ният қилган ёш ижодкорларга ҳам катта қийинчиликлар туғдиришмоқда. Айниқса, вилоятларда истиқомат қиладиган қаламкашларга мушкул бўлмоқда. Шунга қарамай «Меҳнат» нашриёти Бекобод районида яшаб, ижод қиладиган шоир Ашурнали Боймуродовнинг «Табиат

роитда қоғоз ҳам камёб бўлиб кетди. Бу эса китоб чикараман деб эгуғу ният қилган ёш ижодкорларга ҳам катта қийинчиликлар туғдиришмоқда. Айниқса, вилоятларда истиқомат қиладиган қаламкашларга мушкул бўлмоқда. Шунга қарамай «Меҳнат» нашриёти Бекобод районида яшаб, ижод қиладиган шоир Ашурнали Боймуродовнинг «Табиат

роитда қоғоз ҳам камёб бўлиб кетди. Бу эса китоб чикараман деб эгуғу ният қилган ёш ижодкорларга ҳам катта қийинчиликлар туғдиришмоқда. Айниқса, вилоятларда истиқомат қиладиган қаламкашларга мушкул бўлмоқда. Шунга қарамай «Меҳнат» нашриёти Бекобод районида яшаб, ижод қиладиган шоир Ашурнали Боймуродовнинг «Табиат

роитда қоғоз ҳам камёб бўлиб кетди. Бу эса китоб чикараман деб эгуғу ният қилган ёш ижодкорларга ҳам катта қийинчиликлар туғдиришмоқда. Айниқса, вилоятларда истиқомат қиладиган қаламкашларга мушкул бўлмоқда. Шунга қарамай «Меҳнат» нашриёти Бекобод районида яшаб, ижод қиладиган шоир Ашурнали Боймуродовнинг «Табиат

роитда қоғоз ҳам камёб бўлиб кетди. Бу эса китоб чикараман деб эгуғу ният қилган ёш ижодкорларга ҳам катта қийинчиликлар туғдиришмоқда. Айниқса, вилоятларда истиқомат қиладиган қаламкашларга мушкул бўлмоқда. Шунга қарамай «Меҳнат» нашриёти Бекобод районида яшаб, ижод қиладиган шоир Ашурнали Боймуродовнинг «Табиат

### ҚАТРАЛАР

**ҲАҚ ГАП**  
УНИНГ қўша-қўша ғиламу жавоҳирлари, ўн минглаб нули, денгиламан уйм, янги маъинаси бор. Бирок у домго қашшоқман деб зорланади. Бу борада у ҳақ: виждони йўқ бечоранинг!  
**АСАБУЗАР**  
ИТНИ ит-де, дейишади. Йўқ, унинг итлиги эмас, ҳатто индамай кетётган одамни бехосдан қилиб олиши ҳам эмас, балки худда-беҳудга афтинга қараб туриб ақиллайверини асабини кемиреди.  
**КУРСИЧА**  
Уч ёшли қизчам ҳар кун ишдан боришгача пешвоз чиқиб сўрайди:  
— Ада, нима опқайди?  
Ҳар гал қўлга пуфаким, битта полукандали тутазар эдим. Кеча чиройлик курсича олиб бордим. Аммо қизчам ранжиди:  
— Қўйсиса тейямас, манга кўдирин опқейинг.  
Шунча эрқаладим, курсичани мактадим, у эса «кўйр-чок» деб турарверди. Бола болалиғида борарди-де! Ахир, у қаердан билиши, ҳатто ичкироқ курсича учун ҳам ҳёвтада катта-катта курашлар бўлишини!  
**ТАШБЕХ**  
ШАҲИД УР-РАИС (иbn Сино) Беморга — шундай дер экан

### ҚИЧКИНТОЙЛАРГА СОАТ НЕЧА БўЛДИ?

Ўғинга тоби йўқ Эркин Кўп дарслардан қочади.

### Қўлидан келмаган ништа: — Мен қилди, — деб чопади. — Энди катта боласан, Дарс қилсанг-чи, ҳой Эркин! — «Дўймчажон» бор эди, Соат неча бўлдиқийн?

Нарғиза ТОШМЕТОВА.

### МУҲАББАТ

Кетиб қолдинг нега, муҳаббат? Кетиб қолдинг қайга, муҳаббат? Мен қоронғу уйда қолдимми Ва ё тошлоқ йўлда қолдимми? Энди сенсиз ўлажақманми Ва ё мажруҳ ўлажақманми? Қайтасанми қайта, муҳаббат, Розлар айта-айта, муҳаббат? Қайтиб келгин менга, муҳаббат, Кетиб қолдинг нега, муҳаббат?..

### БЕМАВРИД ЁМҒИР

Ёмғир менга кичик гулхонни Кўп кўрдингми, кўрдингми ортиқ? Олов билан бошланди жангин Ва бошланди дилимда оғриқ. Ивиқандан кўрқмасдан, аммо Зулумотдан дилимда оғриқ. Наҳот сенга жобирлик раво, Раҳолнинг кўрибсан ортиқ? Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

### ҚАТРАЛАР

**УТГАН шенба рафиқам:**  
— Ада, бир бозор қилиб чиқсангиз, — деб болди. Турхалгани кўтариб, бозорга бориб келдим.  
— Мана онаси, ниманики зарур бўлса, ҳаммасини олдим: 2 кило бодиринг, 3 кило янги чиққан картошка, бир ярим кило гўшт, кўкатлар, қизил сабзи, жами эллик сўмлик майда-чўдағлар. — дедим кулимсираб.  
Рафиқам анграйиб қолди: — Шу ярим турхалта нарса 50 сўм бўлдики! Жуда қимматчилик-ку, ада! — Кўл ўлмас, ризқи узилмас, деганлар. Бизни ҳам ота-онамиз жами уч юз сўм маош билан ўстиришган. Ваҳоланки, иккаламизнинг беш юз сўмга яқин ойлик даромадимиз бор. Шукр қилиш керак!  
Рафиқам қосини чимирди: — Ойим билан дадам жами уч юз сўм маошга сизларнинг боқибган вақтида ҳам сут 50 тийин, гўшт 7 сўм, сариёғ 8 сўмидики!  
Ҳа, аёл тушмагур-а, қайта кўриш бошланганига олти йил бўлибди-ю, бу эса ҳаммон турғунлик даврининг эслаб юрибди-я, — дедими бир кутқачини 3 сўмга олганим «Родопи» сигаретидан биттасин тутатиб, қузуур қилиб тарта бошладим...  
Дилмурод САИДОВ.

### Кичкинтойларга СОАТ НЕЧА БўЛДИ?

Ўғинга тоби йўқ Эркин Кўп дарслардан қочади.

### Қўлидан келмаган ништа: — Мен қилди, — деб чопади. — Энди катта боласан, Дарс қилсанг-чи, ҳой Эркин! — «Дўймчажон» бор эди, Соат неча бўлдиқийн?

Нарғиза ТОШМЕТОВА.

### МУҲАББАТ

Кетиб қолдинг нега, муҳаббат? Кетиб қолдинг қайга, муҳаббат? Мен қоронғу уйда қолдимми Ва ё тошлоқ йўлда қолдимми? Энди сенсиз ўлажақманми Ва ё мажруҳ ўлажақманми? Қайтасанми қайта, муҳаббат, Розлар айта-айта, муҳаббат? Қайтиб келгин менга, муҳаббат, Кетиб қолдинг нега, муҳаббат?..

### БЕМАВРИД ЁМҒИР

Ёмғир менга кичик гулхонни Кўп кўрдингми, кўрдингми ортиқ? Олов билан бошланди жангин Ва бошланди дилимда оғриқ. Ивиқандан кўрқмасдан, аммо Зулумотдан дилимда оғриқ. Наҳот сенга жобирлик раво, Раҳолнинг кўрибсан ортиқ? Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

### Сурнай Навоси

ДИЛНИ қитиқловчи оҳанрабо куй бизни ўша томонга етади. Сурнай навосини анчадан бери эшитманган эдик. Қандай жозибали! Йўлдан ўтиб, кенг ҳовлига қадам ранжидга қилганимизда иккинчи куй бошланди. Бу ҳинд кинофильми «Сангам»дан эди. Биз ҳам утирганлар қаторидан жой олдик.  
Рустам — халқимиз ичида обрў-этибор қозонган, сурнайда куй чалиш устаси Аҳмаддон Ҳожибоевнинг шоғирди.  
— Устодан ўзган шоғир деб шуларни айтади-да, — деди Аҳмаддон ака ҳазил аравалаш. — Рустамдан хурсандман. Ижроси бениқсон. Пардаларни тўғри таллайдик.  
Энг асосийси, йўқолиб бораётган кўна куйларимизни сурнайда бемалол талқин қилаолади.  
Ҳа, Рустам Мирзаев жумҳурий эстрада-цирк студиясининг сурнай бўлимида иккинчи йил таъин олгач, ўз истадида кўн билан ишлади. Сурнай чалишини сиқидилдан ўрганди. Эндиликда у эл ҳурматига сазовор бўлмоқда. Шу билан бирга пойтахтимиздаги Муқимий номи 154-мактабда ёшларга ҳам сурнай наволарини ўргатиб келаяпти. Унинг дастуридан «Чўли проқ», «Муножот», «Сурнай навоси», «Ёр-Ёр» сингари ўзбек, ҳинд, тожик, афғон куйлари ўрин олган. — Ҳозир репертуаримда ўттиздан ортиқ куй бор. — дейди Рустам. — Эндиги ниятим озарбайжон, арман ҳамда замонавий куйларни сурнай тилига кўчиришидир...  
Хонадондан қайтар эканмиз, эринмай сурнай чалиш сирини ўргатаётган Аҳмаддон ака ва шоғирди Рустамга ижодий муваффақиятлар тиладик. Ҳа, халқ санъатини улдуғловчи созандалар бор бўлсин!  
Энди «У» саккиз ёшлигим» қўшиғининг куйи узоқ узоқларга тараларди...  
Исмағилла РУСТАМОВ, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси. ● СУРАТДА: Аҳмаддон Ҳожибоев (ўртада) шоғирдар Рустам Мирзаев ва доирачи Одил Исҳоқов билан Муаллиф сурат.

